



КАМҚОНЛИК КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН “ФЕРРУМ ЛЕК” СИНТЕТИК ДОРИ ВОСИТАСИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Қўшақов Дониёр Абдумуталович

*Андижон давлат тиббиёт институти Академик
лицейи кимё фани ўқитувчиси*


Бадалбоева Дилором Собиржоновна

*Андижон давлат тиббиёт институти Академик
лицейи кимё фани ўқитувчиси*

Аннотация. Ушбу мақолада камқонлик касаллигини даволашда қўлланиладиган “Феррум лек” синтетик дори воситасининг кимёвий таркиби айрим зарарли хусусиятлари хақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Камқонлик касаллиги, кимёвий таркиб, Феррум лек, Темир (III)-гидроксид полималтоза комплекси, зарарли таъсир.

Ҳозирги кунда олимлар томонидан ихтиро қилиниб фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамда камқонлик касаллигини даволашда кенг қўлланилаётган “Венофер”, “Феррум лек”, “Малтофер” каби синтетик дори воситалари мавжуд. Улар камқонлик касаллигини даволаш хусусиятига эга бўлсада, инсон организмидаги муҳим органлар учун зарарлидир. Қуйида камқонлик касаллигини даволашда қўлланиладиган биргина “Феррум лек” синтетик дори воситасининг кимёвий таркиби ва инсон организми учун айрим зарарли хусусиятлари хақида маълумот келтирилган. Феррум лек дори воситаси Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан 18.04.2019 йилда ДВ/Х 06089/04/19 рақами билан рўйхатдан ўтган бўлиб, озик-овқат ва фармацевтика воситалари сифатида қўлланила бошлаган. Унинг таркибида асосий таъсир этувчи модда темир (III) гидроксидининг полимальтоза билан комплекс бирикмаси (1-расм) темир танқислиги камқонлигини даволаш учун ишлатиладиган дори бўлиб, оғиз орқали қабул қилинадиган темир препаратлари гуруҳига киради. Препарат темир (III)-гидроксид (уч валентли темир, Fe^{3+}) ва ташувчи полималтозадан ташкил топган макромолекуляр комплекс бўлиб, қаттиқ шаклда плёнка билан қопланган ёки чайналадиган таблеткалар шаклида ва суюқлик шаклида сироп,



* $\text{Fe}(\text{OH})_3$ таъсир этувчи компонент.

ичиш мумкин. Ушбу дори воситаси 1978 йилдан бери бозорда мавжуд ва 85 дан ортиқ мамлакатларда тасдиқланган.

1-расм. Феррум лек дори воситаси таркибидаги асосий

таъсир этувчи компонент.

Феррум лек дори воситасини таблеткасини 12 ёшдан кейин қабул қилиш

буюрилади, 12 ёшгача унинг сиропи берилади. Сиропини ва таблеткасини ҳам овқатланиш вақтида ёки овқатланиб бўлгач 30 дақиқадан кейин қабул қилиш мумкин. 1 ёшгача бўлган болаларда 2,5 — 5 мл кунига, 1 ёшдан 12 ёшгача бўлганларда 5 — 10 мл кунига, 12 ёшдан катталарга 10 — 30 мл сиропи ёки 1 — 2 таблетка кунига буйирилади. Катталар ва эмизикли аёлларга кунига 10 — 30 мл сироп ёки 1 — 2 таблетка буюрилади. Ҳомиладор аёлларга кунига 20 — 30 мл гача сироп ёки 1 — 3 таблетка камқонликга қарши восита сифатида қабул қилинади[1]. Шу билан бирга унинг организм учун айрим зарарли таъсирлари ҳам мавжуд. Масалан, ушбу дори воситасини қабул қилувчиларда ахлат рангининг ўзгариши, кўнгил айниш ва қусиш ҳолатлари, диарея ҳолатлари, тери тошмаси ва қичишиши, бош оғриғи, қизиб кетиш каби тери касалликлари; камдан кам ҳолларда парестезия, овқат ҳазм қилиш бузилиши, мушакларнинг оғриғи, тана ҳароратининг кўтарилиши, артериал гипотензия, иссиқ чакнашлар, экстремиталарнинг шишиши, анафилактик реакциялар (псевдоаллергия); инъекция жойида: флебит, веноз спазмлар. Мазкур дори воситасини қуйидаги ҳолларда қўлلىш мумкин эмас: темир танқислиги билан боғлиқ бўлмаган анемиялар (мегалобластик анемия, гемолитик анемия); организмда темирни ишлатишнинг бузилиши (масалан, кўрғошин билан заҳарланишдаги темирнинг кўпайиши билан тавсифланадиган ҳолатлар (гемохроматоз, гемосидероз натижасида келиб чиққан анемия, талассемия, сидероахрестик анемия); препаратнинг асосий ёки ёрдамчи компонентларига юқори сезувчанлик кузатилиши мумкин[2]. Шунинг учун шу ва бошқа синтетик дори воситаларини қабул қилишда жуда эҳтиёткор бўлиш тавсия этилади. Шунини ҳам алоҳида такидлаш жоизки, камқонликни синтетик дори воситалари билан даволаш вақтинчалик самара беради. Шуларни инобатга олган ҳолда камқонлик касаллигини даволашда шифобаҳш ўсимликлардан



тайёрланган “Асшифо”, “Аскалций”, “Алқоён”, каби табиий табиий озик-овқат қўшилмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки мазкур озик-овқат қўшилмалари табиийлиги инсон организми учун безарарлиги билан юқорида айтиб ўтилган айрим синтетик дори воситаларидан устун эканлиги исботланган[3,4] .

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://medu.uz/instruksiya/ferrum-lek-sirop/>
2. Финогенова Н. А., Чернов В. М., Моршакова Е. Ф. Анемии у детей: диагностика, дифференциальная диагностика, лечение: пособие для врачей-педиатров и гематологов. М.: МАКС Пресс 2004; 216.
3. И.Р.Асақоров. Табобат қомуси. Мумтоз сўз. Тошкент – 2019. – 1590 б
4. И.Р.Асақоров. Сирли табобат. – Т: Фан ва технологиялар нашриёт – матбаа уйи. 2021. – 1084 б.